

Нефть маҳсулотларини етказиб бериш хақида

ШАРТНОМА № 1/48

2022 йил « 10 » январ

Кучлик МФЙ

«Кучлик нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда « Етказиб берувчи »деб юритилади) “Низом” асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Э.Т.Худайшукоров бир тарафдан ва Тошкент фаввораси ДУК (кейинги уринларда «Истеъмолчи» деб аталади) номидан “Низом” асосида фаолият юритувчи раҳбари Шукурбек А.А. иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар хақида туздилар;

1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.«Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт Маҳсулотлари ўзаро келишилган нархларда белгиланган тартибда етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини олдиндан 100% тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотининг номи	Миқдори (тн)	(1 тн.учун) 10.01.2022 йилдан белгиланган нарх	Хакикатд а сотилган маҳсулот нархи (хисоб-фактурага асосан)	СУММАСИ (сумма биржга уртacha катировка нархларига асосан узгариши мумкин)
Автобензин Аи-80	1,500	11 000 000,0		16 500 000,00
ЖАМИ				16 500 000,00

1.2.Шартноманинг умумий қиймати 16 500 000,0 сўмни,

Шу жумладан ҚҚС 2 152 173,91 сумни ташкил қиласи ва «Истеъмолчи» йил давомида оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100% тўловни куйидаги ҳисоблардан амалга оширади:

Бюджет ҳисобидан: 16500000 сўм.

Бюджетдан ташқари (маҳсус) ҳисобдан: _____ сўм.

1.3. Шартнома суммаси ёки нархлар ўзгарганда ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

2.МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. “Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”нинг маҳсус автотранспортида ёки транзит тартибда етказиб берилади.“Истеъмолчи” маҳсулотни ўзининг автотранспортида олиб кетган тақдирда хак талаб қилинмайди.

2.2.Нефть маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) маҳсулот хақи тўлиқ тўлангандан сўнг “Истеъмолчи”нинг талаби асосида амалга оширилади.Нефть маҳсулотлари олиб чиқиб кетилишида автоцистерналар нефть база томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (1510-84 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.ХИСОБ-КИТОБНИНГ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1.Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи»нинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. “Истеъмолчи” оладиган нефть маҳсулотлари учун олдиндан 100% маблагларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2.Хисоб-китоб ракамига маблаглар келиб тушгач “Етказиб берувчи” “Истеъмолчи”га (“Истеъмолчи”нинг маҳсус автотранспортида ёки ижарага олинган автотранспортда олиб кетилиши мумкин. Бунда автотранспортлар барча талабларга жавоб берган тақдирда рухсат этилади) маҳсулотларни маҳсус автотранспортларда етказиб

беради.

4. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1.Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:

а)«Етказиб берувчи» томонидан «Истеъмолчи» вакилининг нефт маҳсулотини олиб чиқишни қабул қилиш хужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б)«Истеъмолчи» транзит орқали нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1.«Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифат ва миқдорини текшириб олади.

5.2.Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандарти ва ТШ га мос бўлиши ҳамда бу жўнатилаётган нефть маҳсулоти учун берилаётган сифат гувохномасида акс эттирилиши лозим.

5.3.«Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишда уларнинг сифатини, шунингдек, сифат гувохномаси (паспорти)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.«Етказиб берувчи» асосиз равишда нефть маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб бермаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятларнинг бажарилмаган қисми учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня умумий миқдори етказиб берилмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни, нефть маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаган ва ҳакозо... оқибатидаги заарни тўлашдан озод этмайди.

6.2.Амалдаги қонунчилик ёки хўжалик шартномаси, стандартлар, техник шароитлар, сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Етказиб берувчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблагни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефть маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Етказиб берувчи» дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3.Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи »га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4.Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонунга биноан тартибга солинади.

6.5. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонун хужжалари талабларига амал киласи.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1.Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини гайритабиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимириш ва бошқа табиий оғатлар сабабли бажармаса, Ўзбекнефтегаз» АЖнинг ва НҚИЗ ларнинг, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАТЙКнинг айби билан ёки маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва муддати юкори ташкилотлар томонидан ўзгарилиши муносабати билан бузилса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Махсулотлар мавжуд манбалар асосида етказиб берилади.

9. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолангандан кейингина ҳақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иқтисодий судларда ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булади.

9.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва худудий ғазначилик бўлимидан тегишли тартибда рўйхатга олинган кундан қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача ҳақиқий хисобланади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙМАНЗИЛЛАРИ

«ТАЪМИНОТЧИ»

«0'ZBEKNEFTGAZ» АЖ

«KUCHLIK NEFT BAZASI» MCHJ

111508, Toshkent viloyati O'rta chirchiq tumani

“Kuchlik”MFY, Iste'dod ko'chasi 58-uy

Tel.: (95)177-80-91 Бух.: (90)121-61-68

Asosiy. H/r: 2021 0000 6005 8704 6001

H/r: 2321 0000 6005 8704 6333 фермер хужалик у-н

“ORIENT FINANS” ЧАКБМФО: 01115

ИНН: 204 640 010 OKED: 46710

«Кучлик нефт базаси» МЧЖ

директори Мансуров А. Мансур

Ички сотиш булими



Мансуров А. Мансур

Юриев Малеков А. Малек

ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (хўжалик шартномалари ҳакидаги умумий коидалар) 353-354 моддалари, (нефть маҳсулотлари етказиб бериш ҳакидаги умумий коидалар) 437-456 моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида» Қонуннинг 11-бўлим 31, 32, 34-моддаларининг талабларига жавоб беради.

Юрисконсульт

Григорьев Г. Алибасов

